

# АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

## ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ



«АСДИҚЛАЙМАН»

бўйича проректор

Б.Қ.Тўхтамишев

2015 й.



5230100- **Иқтисодиёт** (қишлоқ хўжалиги) ва **Касб таълими** (Иқтисод)  
таълим йўналишларининг талабалари учун «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро  
иқтисодий муносабатлар» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун

### УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

| Таълим йўналиши                            | Боскич,<br>семестр    | Умумий<br>соат | Ўқув<br>соати | Маъ<br>рўза | Амалий<br>маш-<br>ғулот | Мустақил<br>таълим |
|--------------------------------------------|-----------------------|----------------|---------------|-------------|-------------------------|--------------------|
| 5230100-Иқтисодиёт<br>511017– Касб таълими | 3 боскич,<br>6семестр | 152            | 94            | 58          | 36                      | 58                 |

Андижон - 2015

Услубий кўрсатмалар таълим йўналишларининг ишчи ўқув режасида  
кўрсатилган ўқув юкламасига мос холда фаннинг ўқув ва ишчи ўқув дастурлари  
асосида тайёрланди.

Тузувчи: и.ф.н., кат.ўқт З.А. Исраилов  
асистент А.Абдумўминов

Такризчилар: и.ф.н. доцент М. Ҳожибоев  
и.ф.н. доцент О. Махмудов

Услубий кўрсатмалар иктисодиёт ва бошқарув факультети услубий  
кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_ августида \_\_\_\_ - сонли йиғилишида кўриб  
чиқилиб, тасдиқланди.

Факультет услубий кенгаши раиси: В.Абдурахмонов.

Услубий кўрсатмалар институт ўқув-услубий кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_  
\_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Институт ўқув-услубий кенгаши раиси: Б.Тўхтамишев.

# М У Н Д А Р И Ж А

| <b>Мавзулар номи</b>                                                                                                 | <b>Бет</b> |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| Эслатма                                                                                                              | 4-6        |
| 1-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети ва аҳамияти.                | 7-9        |
| 2-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари                                     | 10-12      |
| 3-амалий машғулот. Халқаро савдо: таркиби ва ривожланиш босқичлари                                                   | 13-15      |
| 4-амалий машғулот. Халқаро ишчи кучи миграцияси.                                                                     | 16-17      |
| 5-амалий машғулот. Халқаро капитал миграцияси                                                                        | 18-20      |
| 6-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК)                                               | 21-25      |
| 7-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни                                      | 25-31      |
| 8-амалий машғулот. Халқаро валюта муносабатлари тушунчаси ва аҳамияти                                                | 32-36      |
| 9-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётининг марказлари, дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гуруҳланиши | 37-39      |
| 10-амалий машғулот. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти                                             | 40-41      |
| 11-амалий машғулот. АҚШ иқтисодиёти                                                                                  | 42-44      |
| 12-амалий машғулот. Япония иқтисодиёти                                                                               | 45-47      |
| 13-амалий машғулот. Жаҳон хўжалигида европа иттифоқи иқтисодиёти                                                     |            |
| 14-амалий машғулот. Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида.                            |            |
| 15-амалий машғулот. Янги индустриал мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида                            |            |
| 16-амалий машғулот. Халқаро иқтисодий интеграция                                                                     |            |
| 17-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли                                |            |
| 18-амалий машғулот. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар                                                      |            |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати                                                                                     | 48         |

## ЭСЛАТМА!

**Ушбу услубий кўрсатмада келтирилган амалий машғулотлар ўтилган маъруза дарслари ва фанга тегишли ўқув адабиётлари асосида тайёрланган бўлиб, ҳар бир талаба уларни қуйидаги тартибда ишлайди:**

Жаҳон иқтисодиёти фани иқтисодий йўналишлар бўйича мутахассиси тайёрлашда асосий умумқасбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанга талабаларда бўлган қизиқиш жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида юз бераётган улкан ўзгаришлар билан боғлиқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларни ўрганиш талабаларда иқтисодий воқеа ва ҳодисалар, жараёнларнинг мазмун моҳиятини тушуниб етиш, иқтисодий қонунларни амал қилишини англашга кўмаклашади. Шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий тенденцияларини тўғри тушуниб етишга имкон беради.

Фаннинг мақсади талабаларда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ҳақида базавий назарий тушунчаларни ҳосил қилиш, жаҳон хўжалигигинг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини тушунишни ўргатиш, унда юз бераётган иқтисодий жараёнлар ва воқеаларни таҳлил қилиш усуллари билан тушунтириш бўлиб ҳисобланади.

Фаннинг вазифалари:

- талабаларга жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий тузилиши ва шакллари тушунишга кўмаклашиш;

- жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанида амал қиладиган асосий тушунчалар, категорияларни, амал қилиш механизмининг мазмунини очиб бериш;

- жаҳон бозорини амал қилиш қонунини тушунтириш;

- дунё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

- ташқи савдо сиёсатининг моделларини, халқаро савдони молиялаштириш усуллари, эркин савдо ва протекционизм сиёсатининг моҳиятини очиб бериш ва тушунтириш;

- халқаро капитал ҳаракатининг фаоллашув сабабларини очиб бериш, унинг асосий ҳаракатланиш шакллари кўрсатиб бериш;

- дунё валюта тизимининг асосини ташкил этувчи унсурларни кўрсатиб бериш ва мазмунини тушунтириш, валюта тизимларининг эволюцион таракқиётини изоҳлаб бериш;

- халқаро валютакредит муносабатларини бошқаришнинг асосий йўналишларини кўриб чиқиш;

- халқаро ишчи кучи миграциясининг сабабларини очиб бериш ва унинг ривожланиш босқичлари, муаммоларини ўрганиш;

-халқаро минтақавий иқтисодий интеграциянинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш босқичлари, бугунги кундаги моделлари ва иқтисодий самарадорлик муаммоларини тушунтириш;

-дунё мамлакатларининг иқтисодиётини гуруҳлар кесимида ўрганиш ва уларнинг иқтисодий тараққиёт муаммоларини таҳлил қилиш ва баҳо бериш.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанини ўрганишда талаба қуйидагиларни билиши ва бажара олиш кўникмасига эга бўлиши шарт:

-назарий билимларни ўзлаштириш асосида статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва хулоса қилиш;

-топшириқларни ечиш учун назарий билимлар асосида ўзининг таклиф ва хулосаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни илмий жиҳатдан асослаб бериш;

-хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида қиёсий маълумотларга эга бўлиш ва уларни фанга оид тестларни ечиш, масалаларни ишлаш қобилиятига эга бўлиш, реферат ва докладлар тайёрлаш.

Услубий қўлланма қуйидаги таркибда тузилган:

- 1) Таянч атамага шарҳ ёзинг;
- 2) Тўғри жавобни танланг;
- 3) Машқлар;
- 4) Мушоҳада қилиш учун саволлар;
- 5) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун масалалар;
- 6) Топшириқлар;
- 7) Дастурий таъминот:

7.1-Тестлар;

7.2-Графиклар ва диаграммалар.

**1.** Мавзуга оид “таянч атама” номини топиш, саволларга “тўғри” ёки “нотўғри” жавобларни аниқлаш, мушоҳада қилиш учун саволларга жавоб топиш, статистик жадваллар билан ишлаш учун топшириқларни бажариш, график ва масалаларни ечиш семинар дарсларда бажарилади. Айрим ҳолатларда бўш қолдирилган қаторга иборалар жавобни ёзса, қолган ҳолатларда тўғри жавобни тагига чизилади. График ва статистик маълумотлар билан топшириқларда жавоб мантиқан шакллантирилгач, оғзаки тарзда ифода қилини керак. Тестлар махсус дастурга киритилган бўлиб, уларга вақт етса дарсни ўзида, етмай қолган уйда мустақил ечилиши мумкин. Эконометрик моделлар эса биттаси дасрда ўқитувчи томонидан ишлаб кўрсатилади, қолганлари талаба томонидан уйда мустақил ишланаверади.

**2.** Формулалар ва жадваллар берилган амалий машғулотларда ишланади. Жадвалларга берилган жавоблар талабанинг рейтингини аниқлашда эътиборга олинади, формулаларни ечиш эса асосан талаба билимини мустақамлашга қаратилган бўлиб, рейтингга киритилади. Лекин унга ажратиладиган бал ҳажми минимал миқдорда бўлади ва у талабага мажбурий топшириқ ҳисобланмайди.

3. Берилган тестларни ишлаб, жавобларни ўқитувчи электрон нусхада сақлаб қўяди. Натижаларни умумлаштириб рўйхат тузади ва ҳар бир талабнинг тўплаган бали ёзиб борилади.

Юқоридаги текширишлар натижаларига биноан ўқитувчи ҳамма жавобларни текшириш жадвалида жамлаб, уни 100 балли тизим асосида ҳисоблайди ва ҳар битта амалий машғулот бўйича талабанинг рейтингини аниқлайди.

Шуни эсда тутиш лозимки, берилаётган жавоблар бўялмаслиги ва ёзувлар аниқ бўлишлиги, ўқитувчи томонидан белгиланган вақт ичида амалий машғулотни ишланиши талаб қилинади. Шунингдек, ўқитувчи томонидан берилаётган маълумотларни уйда қайта ишлаш ва такрорлаш орқали мустаҳкамлаш, кенгайтириш зарур.

| т/р | Мавзулар номи                                                                                     | Жами соат | Маъруза | Амалий машғулот | Мустақил Таълим |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|---------|-----------------|-----------------|
| 1   | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети ва аҳамияти                 | 6         | 2       | 2               | 2               |
| 2   | Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари                                     | 6         | 2       | 2               | 2               |
| 3   | Халқаро савдо: таркиби ва ривожланиш босқичлари                                                   | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 4   | Халқаро ишчи кучи миграцияси                                                                      | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 5   | Халқаро капитал миграцияси                                                                        | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 6   | Жаҳон иқтисодиётида Трансмилий корпорациялар (ТМК)                                                | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 7   | Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни                                      | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 8   | Халқаро валюта муносабатлари тушунчаси ва аҳамияти                                                | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 9   | Жаҳон иқтисодиётининг марказлари, дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гуруҳланиши | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 10  | Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти                                              | 10        | 4       | 2               | 4               |
| 11  | АҚШ иқтисодиёти                                                                                   | 6         | 2       | 2               | 2               |
| 12  | Япония иқтисодиёти                                                                                | 6         | 2       | 2               | 2               |
| 13  | Жаҳон хўжалигида европа иттифоқи иқтисодиёти                                                      | 6         | 2       | 2               | 2               |
| 14  | Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида.                             | 10        | 4       | 2               | 4               |

|      |                                                                       |     |    |    |    |
|------|-----------------------------------------------------------------------|-----|----|----|----|
|      |                                                                       |     |    |    |    |
| 15   | Янги индустриал мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида | 10  | 4  | 2  | 4  |
| 16   | Халқаро иқтисодий интеграция                                          | 6   | 2  | 2  | 2  |
| 17   | Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли     | 6   | 2  | 2  | 2  |
| 18   | Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар                           | 6   | 2  | 2  | 2  |
| 19   | Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни                             | 4   | 2  |    | 2  |
| Жами |                                                                       | 152 | 58 | 36 | 58 |

## 1-Мавзу: Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети ва аҳамияти

### 1) Таянч атаманинг номини топинг:

1.1. Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг йиғиндиси: \_\_\_\_\_

1.2. Жаҳон иқтисодиётига халқаро савдо ва капитал миграцияси орқали интеграциялашган иқтисодиёт: \_\_\_\_\_

1.3. Дунё мамлакатларининг доимий равишда такрорланиб турадиган ва маълум қонуниятларга бўйсунадиган ташқи алоқалари: \_\_\_\_\_

1.4. Дунё малакатларининг товар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

1.5. Ишлаб чиқариш ресурслари миграцияси: \_\_\_\_\_

### 2) Тўғри ёки нотўғри:

2.1. Жаҳон иқтисодиёти ЯИМ 2014 йидаги ҳажми 67 трлн \$: \_\_\_\_\_

2.2. Дунё мамлакатлари учта гуруҳга бўлиб таснифланади: \_\_\_\_\_

2.3. Ривожланаётган давлатлар 4 гуруҳга бўлинади: \_\_\_\_\_

2.4. Миллий хўжаликлар, ТМКлар ва халқаро молиявий –иқтисодий ташкилотлар жаҳон хўжалигининг субъектлари: \_\_\_\_\_

### 3. Халқаро таққослашлар учун ишлатиладиган қуйидаги кўрсаткичларга оид саволларга жавоб топинг:

1. Сизга маълум бўлган дунё мамлакатларини таснифлаш усуллари санаб беринг.
2. Қуйидаги атамаларга таъриф беринг: ЯИМ, ЯММ, ЯМД.
3. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, унинг номинал ва харид қуввати нисбати бўйича ҳисобланган ЯИМ ўртасида фарқи мавжуд бўладими?
4. Мамлакатларни ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларга бўлишнинг асосий мезонларини тушунтиринг.
5. Ривожланаётган давлатларнинг гуруҳларга бўлинишини тушунтиринг ва ОПЕК ташкилотига кимлар киришини айтинг?
6. Иқтисодиётнинг миқёсини тавсифловчи қандай сифат кўрсаткичлари мавжуд?

7. Миллий иқтисодиётнинг очиклиги қандай аниқланишини тушунтиринг ?

**4)Мушоҳада қилиш учун саволлар: Халқаро иқтисодий муносабатларда:**

4.1. Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги нима:

\_\_\_\_\_

4.2. Товарлар ва хизматлар ҳамда капитал ҳаракатини дунё мамлакатлари мисолида таҳлил қилинишининг сабаби нима:\_\_\_\_\_

4.3. Қандай қилиб мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокидан оладиган фойдасини кўпайтириш йўллари топиш мумкин:\_\_\_\_\_

4.4. Мамлакат иқтисодиётида ва ташқи иқтисодий алоқаларида вужудга келадиган зиддиятли вазиятлар ва муаммоларнинг сабаблари қандай аниқланади: \_\_\_\_\_

4.5. Вужудга келадиган мураккаб ва зиддиятли вазиятлар ҳамда муаммоларга қандай қилиб ечим топиш мумкин: \_\_\_\_\_

**5) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун масала:**

Қуйидаги даромад категориясига (01.07.2013 й) асосланиб жадвалда кўрсатилган давлатларни иқтисодий таснифланг.

|                                               |         |             |                            |                |       |
|-----------------------------------------------|---------|-------------|----------------------------|----------------|-------|
| Паст даромадга эга давлатлар                  |         |             | 1,035 \$ ва ундан паст     |                |       |
| Ўртача даражадан паст даромадга эга давлатлар |         |             | 1 036 – 4 085\$            |                |       |
| Ўртача даромадга эга давлатлар                |         |             | 4086 \$ дан 12,615 \$ гача |                |       |
| Юқори даражада даромадга эга давлатлар        |         |             | 12,616 \$ ва ундан юқори   |                |       |
| Давлатлар                                     |         |             |                            |                |       |
| Монако                                        | 183,150 | Швеция      | 50,110                     | Кения          | 790   |
| Лихтенштейн                                   | 137,070 | Нидерландия | 49,050                     | Бенин          | 780   |
| Норвегия                                      | 84,290  | Сан-Марино  | 50,400                     | Камбоджа       | 750   |
| Люксембург                                    | 77,160  | Финляндия   | 47,720                     | Комор ороллари | 750   |
| Швейцария                                     | 71,530  | АҚШ         | 47,390                     | Бангладеш      | 700   |
| Дания                                         | 59,050  | Австрия     | 47,060                     | Гаити          | 670   |
| Литва                                         | 11,620  | Бельгия     | 45,910                     | Чад            | 620   |
| Латвия                                        | 11,390  | Андорра     | 41,750                     | Мали           | 600   |
| Россия                                        | 9,900   | Австралия   | 43,590                     | Конго          | 180   |
| Туркия                                        | 9,890   | Канада      | 43,270                     | Бурунди        | 170   |
| Қозоғистон                                    | 7,590   | Германия    | 43,110                     | Афғонистон     | 410   |
| Беларусь                                      | 5,950   | Франция     | 42,390                     | Гвинея         | 400   |
| Озарбойжон                                    | 5,330   | БАА         | 41,930                     | Эфиопия        | 390   |
| Украина                                       | 3,000   | Япония      | 41,850                     | Нигер          | 370   |
| Грузия                                        | 2,690   | Ирландия    | 41,000                     | Арманистон     | 3,200 |
| Ўзбекистон                                    | 1,280   | Сингапур    | 40,070                     | Марокаш        | 2,850 |

|             |        |          |        |              |       |
|-------------|--------|----------|--------|--------------|-------|
| Қирғизистон | 840    | Британия | 38,370 | Туркменистан | 3,790 |
| Тожикистон  | 800    | Италия   | 35,150 | Ҳиндистон    | 1,330 |
| Ж.Корея     | 19,890 | Макао    | 34,880 | Хитой        | 4,270 |
| Польша      | 12,440 | Гонконг  | 32,780 | Эрон         | 4,520 |

**6)Топширик:** куйидаги жадвални бирон – бир мамлакат мисолида тўлдилинг ва унинг ХИМ тизимидаги иштирокига баҳо беринг.

|                                                                                                    |  |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| “ ” давлатининг “ ” йилдаги ижтимоий иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари ва ХИМ тизимидаги иштироки. |  |
| <b>Умумий иқтисодий салоҳияти</b>                                                                  |  |
| Худуди                                                                                             |  |
| Аҳолиси                                                                                            |  |
| ЯИМ ва дунё ЯИМ даги улуши                                                                         |  |
| Аҳоли жон бошига ЯИМ                                                                               |  |
| ЯИМнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркиби.                                                        |  |
| Меҳнат ресурсларининг сони, таркиби, соҳалар кесимида бандлик ва ишсизлик даражаси.                |  |
| Табиий ресурслари: таркиби ва миқдори.                                                             |  |
| <b>Ташқи савдо алоқалари.</b>                                                                      |  |
| Халқаро товар алмашувидаги улуши                                                                   |  |
| Ташқи савдо айланмаси ва сальдоси                                                                  |  |
| Экспортквотаси ва ҳажми                                                                            |  |
| Экспортнинг товар таркиби                                                                          |  |
| Экспортнинг жуғрофий таркиби                                                                       |  |
| Импорт ҳажми                                                                                       |  |
| Импортнинг товар таркиби                                                                           |  |
| Импортнинг жуғрофий таркиби                                                                        |  |
| <b>Капитал экспорти ва импорти</b>                                                                 |  |
| Капитал экспорти ҳажми:                                                                            |  |
| Капитал импорти ҳажми                                                                              |  |
| Капитал экспортининг тармоқ таркиби                                                                |  |
| Капитал импортининг тармоқ таркиби                                                                 |  |
| Капитал экспортининг жуғрофий таркиби                                                              |  |
| Капитал импортининг жуғрофий таркиби                                                               |  |
| <b>Халқаро ишчи кучи миграцияси</b>                                                                |  |
| Эмиграция ва иммиграция ҳажми                                                                      |  |
| Жуғрофий таркиби                                                                                   |  |
| <b>Валюта тизими</b>                                                                               |  |

|                                                                    |  |
|--------------------------------------------------------------------|--|
| Миллий валютаси                                                    |  |
| Валюта курси режими                                                |  |
| Валютанинг конвертациялашуви                                       |  |
| Ташқи қарзи                                                        |  |
| <b>Халқаро ташкилотлар ва интеграцион уюшмалар билан алоқалари</b> |  |
| Халқаро интеграцион бирлашмалардаги иштироки                       |  |
| Халқаро иқтисодий ташкилотлардаги иштироки                         |  |

**7.Тестлар. Махсус дастурга киритилган тестларни ечинг.**

## **2 - Мавзу: Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари**

**1. Чап устундаги ҳар бир атамага ўнг устундан мос таърифни танланг**

|                       |                                                                                                           |
|-----------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Мутлақ устунлик    | А) Импорт солиғи                                                                                          |
| 2. Тўлов баланси      | Б) Мамлакат маҳсулотларини экспортга чиқарувчиларга давлат тўловлари                                      |
| 3. Савдо баланси      | В) Чет мамлакатларга сотиладиган товарлар                                                                 |
| 4. Нисбий устунлик    | Г) Муайян валютанинг нархи                                                                                |
| 5. Демпинг            | Д) Халқаро савдо операцияларининг якуни                                                                   |
| 6. Валюта курси       | Е) Муайян товарни бир мамлакатнинг бошқаларга қараганда самаралироқ ишлаб чиқара олиши                    |
| 7. Экспорт            | Ж) Айни бир хил товарни мамлакат ички бозордагига қараганда чет элда пастроқ нархда сотиш                 |
| 8. Экспорт субсидияси | З) Импорт қилинадиган товарлар миқдорини чеклаш                                                           |
| 9. Импорт             | И) Миллий экспорт билан импорт қиймати ўртасидаги фарқ                                                    |
| 10. Квота             | К) Товарни муқобил қиймат бўйича ишлаб чиқариш қобилияти бошқа ишлаб чиқарувчиларга қараганда паст нархда |
| 11. Тариф             | Л) Бошқа мамлакатлардан сотиб олинadиган товарлар                                                         |

**2. Қуйидаги жадвални Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тўлдилинг ва Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт квоталари динамикаси тўғрисида хулоса қилинг**

| Йиллар                            | 2000 | 2005 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|-----------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Ялпи ички маҳсулот<br>(млн.долл.) |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
| Экспорт хажми (млн.<br>долл.)     |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
| Импорт хажми<br>(млн.долл.)       |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
| Экспорт квотаси                   |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
| Импорт квотаси                    |      |      |      |      |      |      |      |      |      |

### 3. Қуйидаги саволларга ўз фикрингизни билдиринг.

1. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз?

---



---



---

2. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви деганда нимани тушунасиз?

---



---



---

### 3 - Мавзу: Халқаро савдо: таркиби ва ривожланиш босқичлари

#### 1. Таянч атаманинг номини топинг:

- 1.1. Мамлакат четга сотадиган товарлар ва хизматлар қандай аталади: \_\_\_\_\_
- 1.2. Мамлакат четдан сотиб оладиган товарлар ва хизматлар қандай номланади: \_\_\_\_\_
- 1.3. Бир мамлакатнинг бошқа мамлакатларга нисбатан товарлар ва хизматларни арзон нарх билан ишлаб чиқариш имконияти қандай аталади: \_\_\_\_\_
- 1.4. Давлатнинг хар қандай аралашувини инкор этувчи ва товарлар ва хизматларнинг нисбий устунлик тамойили асосида халқаро алмашувини кузда тутувчи жараён бу: \_\_\_\_\_
- 1.5. \_\_\_\_\_ бу шундай ҳолатки, унда мамлакатнинг истъеомол қуввати унинг ички ишлаб чиқариш имкониятларидан ортиқча бўлади.

#### 2. Жавобни ўйланг ва чизикчага “тўғри” ёки “нотўғри” деб ёзинг:

- 2.1. Агарда Бразилияда таннарх товарнинг хар бир тури бўйича Аргентинага нисбатан 80% ташкил қилса, Бразилия Аргентинага нисбатан мутлақ устунликка эга ҳисобланади: \_\_\_\_\_
- 2.2. Жавобни ўйланг ва чизикчага “туғри” ёки “нотуғри” деб ёзинг: нисбий устунлик дунё мамлакатларидаги товар ишлаб чиқариш бўйича муқобил харажатлар уртасидаги фарқни курсатади. \_\_\_\_\_

2.3. Халқаро савдода мутлақ устунлик тамойилининг негизида ишлаб чиқариш харажатларини бошқа давлатларга нисбатан тенг бараварига кам бўлиш гоёси ётади:

2.4. Ички бозорни химоя қилиш учун кулланиладиган химоя чоралари маҳсулот сифатини оширишга туркини йук қилади ва ресурсларни оптимал таксимлашга тусик бўлади:

2.5. Химоя чоралари мамлакатни импортидан ташқари экспортини ҳам чеклайди:

### 3. Машқлар:

3.1. Жаҳон бозорида айрим товарларга талаб функцияси қуйидаги кўринишга эга:  $D = 180 - 3p$ ; Таклиф функцияси эса қуйидаги кўринишга эга:  $C = 20 + 7p$ ; Жаҳон бозори нархи 12 \$, импорт божи (тариф) эса – 2. Импорт божини киритиш натижасида вужудга келадиган товар йўқотиш қанчага тенг бўлишини топинг:

А) 10; Б) 20; С) 30; Д) 40.

3.2. Қуйидаги компаниялар АҚШ бозорида салқин ичимликлар сотиш билан шуғулланадилар:

|                                     | Банзай Браверс<br>(Япония) | Типпер Лаури<br>(Британия) | Бигг ред Инк.<br>(Канада) |
|-------------------------------------|----------------------------|----------------------------|---------------------------|
| Ўртача ишлаб<br>чиқариш харажатлари | \$10                       | \$10                       | \$10                      |
| Ички бозорда ичимлик<br>нархлари    | \$10                       | \$12                       | \$9                       |
| Ичимликларнинг<br>экспорт нархи     | \$11                       | \$11                       | \$9                       |
| АҚШ бозорида<br>ичимлик нархи       | \$12                       | \$13                       | \$10                      |

**Аниқланг:** компанияларнинг қайси бири демпинг нарх билан маҳсулот сотади.

3.3. Кичик очик иқтисодиётга эга мамлакат ёнғоқ учун қуйидаги талаб ва таклиф функциясига эга:

$D = 400 - 10p$ ;  $C = 50 + 5p$ ; Мамлакат ёнғоқни ҳар бир қопини \$ 10 дан импорт қилади.

А) Эркин савдо шароитида талаб ва таклиф мувозанатини аниқланг.

Б) 50 қоп миқдорида квота чекловини киритилгандан кейин юзага келадиган мувозанатни аниқланг.

### 4. Масалалар:

4.1. Мутлақ устунлик тамойили асосида ечинг.

А мамлакат 1 бирлик ресурсдан фойдаланиб 2 т буғдой ёки 1 т кўмир, Б мамлакат эса 1 т буғдой ва 2 т кўмир ишлаб чиқариши мумкин.

А. А мамлакат буғдой сотиб олади ва кўмир сотади.

Б. А мамлакат кўмир сотиб олади ва буғдой сотади.

В. Б мамлакат буғдой сотиб олади, кўмирни эса сотади.

С. Б мамлакат кўмир сотиб олади, буғдойни эса сотади.

4.2. Нисбий устунлик тамойили асосида ечинг.

|            | Х товар | Э товар |
|------------|---------|---------|
| А мамлакат | 12      | 6       |

|            |   |    |
|------------|---|----|
| Б мамлакат | 8 | 14 |
|            |   |    |

А ва Б мамлакатлар Х ва Э товарларни қуйидаги нисбатда ишлаб чиқарадилар:

**4.3. Импорт божини киритилишини истъемолчиларга, ишлаб чиқарувчиларга, давлат бюджетига ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигига қандай таъсир кўрсатишини ҳисобланг ва изоҳланг.**

Талаб ва таклиф функцияси қуйидагича:

А)  $D=1000 - 20p$ ;  $C=200+20p$ ;  $P_w=12$ ;  $T=50\%$ .

Б)  $D=2200-3p$ ;  $C=3p-300$ ;  $P_w=100$ ;  $T=100\%$ .

#### **5)Мушоҳада қилиш учун саволлар:**

5.1. Импорт мамлакатдаги ялпи талабни купайтиради: \_\_\_\_\_

5.2. Импорт мамлакатдаги товарлар ва хизматлар нархини оширади ва инфляциянинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳисобланади: \_\_\_\_\_

5.3. Россияда аҳоли турмуш даражаси Белорусияга нисбатан купрок халқаро савдога боғлиқ: \_\_\_\_\_

5.4. Халқаро савдонинг мамлакат иктисодиётига энг кучли ижобий таъсири қайси омилда билинади (эҳтиёжни тулик кондиршиш, техник прогресс, рақобатбардошлик): \_\_\_\_\_

5.5. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиклар мавжуд ва амал қилади: \_\_\_\_\_

**6) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун топшириқ:** қуйидаги жадвалда келтирилган статистик маълумотлар асосида минтақаларнинг халқаро савдодаги иштирокини баҳоланг.

| №  | Минтақа                                    | 1960 | 1970 | 1980 | 1990 | 2000 | 2010 |
|----|--------------------------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1  | Шимолий Америка                            | 5,9  | 6,8  | 11,2 | 10,6 | 13,2 | 13,6 |
| 2  | Шарқий Осиё ва Тинч океани                 | 13,2 | 14,6 | 21,3 | 20,7 | 25,4 | 32,7 |
| 3  | Европа ва Марказий Осиё                    | 19,6 | 20,4 | 25,7 | 26,9 | 36,3 | 39,5 |
| 4  | Европа ва Марказий Осиё (ривожланаётган)   |      |      |      | 19,7 | 37,0 | 30,9 |
| 5  | Европа Иттифоқи                            | 19,4 | 20,5 | 25,5 | 26,9 | 35,8 | 39,6 |
| 6  | Юқори даромадга эга давлатлар              | 11,9 | 14,4 | 19,8 | 19,3 | 24,2 | 27,7 |
| 7  | Ўртача даражадан юқори даромад             |      | 9,1  | 14,7 | 19,3 | 27,3 | 28,7 |
| 8  | Ўртача даромадга эга давлатлар             |      | 9,5  | 15,3 | 19,1 | 27,2 | 28,4 |
| 9  | Қолоқ давлатлар : БМТ таснифи.             | 14,6 | 13,2 | 12,6 | 12,3 | 20,3 | 21,0 |
| 10 | Энг қолоқ давлатлар                        |      | 23,9 | 23,5 | 19,8 | 25,2 | 28,9 |
| 11 | Паст ва ўртача даромадга эга давлатлар     |      | 9,6  | 15,3 | 18,9 | 26,9 | 28,2 |
| 12 | Паст даромадга эга давлатлар               | 14,9 | 12,7 | 13,2 | 11,8 | 17,4 | 19,6 |
| 13 | Ўртача даражадан паст даромадга эга давлат | 11,3 | 11,0 | 17,5 | 18,2 | 26,9 | 27,6 |
| 14 | Яқин Шарқ ва Шимолий Африка.               |      | 32,8 | 42,8 | 31,8 | 35,9 |      |
| 15 | Жанубий Осиё                               | 5,8  | 5,2  | 7,7  | 8,7  | 14,2 | 20,3 |
| 16 | Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси           | 11,6 | 10,8 | 14,6 | 17,2 | 21,3 | 22,3 |
| 17 | Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси (ривож-т) | 10,5 | 9,9  | 13,2 | 17,0 | 20,0 | 22,3 |
| 18 | Сахрои Кабир Африка.                       | 25,5 | 21,8 | 31,9 | 26,3 | 32,4 | 29,6 |

**7) Дастурий таъминот:** махсус дастурга киритилган тестларни ечинг.

### 3 – Мавзу: Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари (давоми)

#### 1) Таянч атамага шарх ёзинг:

- 1.1. Ташқи савдонинг шарт – шароити: \_\_\_\_\_
- 1.2. Реал экспорт квотаси: \_\_\_\_\_
- 1.3. Тариф эскалацияси: \_\_\_\_\_
- 1.4. Даромад эффекти: \_\_\_\_\_
- 1.5. Ўрнини босиш эффекти: \_\_\_\_\_

#### 2. Жавобни уйланг ва чизикчага “тўғри” ёки “нотўғри” деб ёзинг:

- 2.1. Миллий хўжаликни ҳимоя қилиш мақсадида киритиладиган чоралар ташқи савдо тўсиқларини ўрнатишга аргументлардан бири бўлиб ҳисобланади: \_\_\_\_\_
- 2.2. Мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги эркин савдо шароитида импорт божлари киритилган даврга нисбатан доим паст булади: \_\_\_\_\_
- 2.3. Импорт товарларни қискартириш нуктаи – назаридан импорт квоталари божларга нисбатан анча самарали бўлиб ҳисобланади: \_\_\_\_\_
- 2.4. Техник прогресснинг дунё микёсида тез тарқалиш имкониятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эркин савдо мамлакатлар иқтисодиётида таркибий диспропорциялар, ишсизлик ва тулов баланси муаммоларини келтириб чиқаради: \_\_\_\_\_
- 2.5. 1981-1985 йилларда АКШ япон автомобилларини кунгилли чекловига мажбур қилди. Бу эса япон автомобиллари импортини 10% қисқартирди. Қиска муддатли даврда ушбу чора АКШ иқтисодиётига нархларни узишига олиб келди ва истъеомли чеклади: \_\_\_\_\_.

#### 3) Қуйидаги саволларга изоҳ беринг:

- 3.1. Нима учун афзалликлар кўп бўлишига қарамай очик савдо сиёсатида савдони эркин бошқариш кам қўлланилади?
- 3.2. Қуйидаги жумлага нисбатан фикр билдиринг: божни ҳисоблашнинг иккита кенг тарқалган шаклига нисбатан махсус бож энг кўп қўлланилади».
- 3.3. Импорт божини киритишнинг қандай оқибатлари мавжуд?
- 3.4. Демпингнинг қандай турларини биласиз ва улар қандай фарқ қилади?
- 3.5. ЖСТга мамлакатни қабул қилиниши миллий иқтисодиётга қандай салбий таъсир кўрсатиши мумкин?

- 4) **Масалалар.** Хорижий мамлакат анча катта иқтисодиёт микёсига эга. У қуйидаги функциялар билан ифодаланади:  $D^* = 800 - 200p^*$ ;  $C^* = 400 + 200p^*$ ;  $P = 30\$$ .  
Эркин савдо шароитидаги мувозанатни ҳисобланг ҳамда 30 % импорт божни киритишнинг самарасини ҳисобланг.

### 5)Мушоҳада қилиш учун саволлар:

5.1. XX асрда Фолксваген компанияси АКШнинг Детройддаги корхоналарини кичик хажмдаги машиналар (малолитражка) ишлаб чиқаришга мажбур қилди. Бу ташки рақобат маҳаллий ишлаб чиқаришнинг структураси ва самарадорлигини яхшилашга ижобий таъсир қилади деган го'яни анигладимиз: \_\_\_\_\_

5.2. Протекционизм сиёсатининг ижобий ва салбий жihatларини курсатинг: \_\_\_\_\_

5.3. АКШда 1984 йили урнатилган импорт божлари туфайли пулат қуйиш тармогида бандлик 14 минг кишига, уларга бутловчи қисмлар етказиб берадиган корхоналарда 2,8 минг кишига ортган. Лекин, пулат қуйиш корхоналари маҳсулотини истеъмол қилувчи компанияларда бандлик 52 минг кишига қисқарган. Буни қандай изоҳлаш мумкин: \_\_\_\_\_

5.4. Ғарбий Европада “Умумий бозор”ни ташкил қилиниши кўплаб европа компанияларига муваффақиятли рақобат қилиш имкониятини яратиб берган. Буни тушунтиринг: \_\_\_\_\_

5.5. Узок муддатли даврда ташки савдо мамлакатдаги бандлик даражасига таъсир қилмайди дейиш тўғрими: \_\_\_\_\_

**6). Статистик маълумотлар билан ишлаш учун топшириқлар.** Қуйида жадвалда келтирилган АКШнинг ташқи савдодаги тариф устамаларини таққосланг ва изоҳланг.

АКШнинг уйғунлашган ташқи савдо режими тариф колонкалари

| ТИФ товар номенклатураси бўйича товар коди | Товар гуруҳит номери | Товарнинг қисқача номи | 1 колонна          | 2 колонна             | 3 колонна                | 4 колонна   |
|--------------------------------------------|----------------------|------------------------|--------------------|-----------------------|--------------------------|-------------|
|                                            |                      |                        | Миқдорий чеклашлар | Умумий тариф устамаси | Махсус божлар            | Бошқалар    |
| 846250                                     | 60                   | Тикув машинаси         | Йўқ                | 4%                    | Эркин (А,СА,Е, ИЛ,Ж, МХ) | минимум 30% |

*Изоҳ: специфик божлар колонкасида: А- АКШдан энг қулай савдо имкониятлар режимини олган давлатлар, СА-НАФТА блоки давлатлари, Е- Кариб ҳавзаси давлатлари, ИЛ- Исроил, Ж- Анд савдо пакти, МХ- Мексика.*

*Умумий колонка – ЖСТ аъзолари учун, қолган колонкалар – АКШга дўст бўлмаган давлатлар учун. Улар учун минимал бож устамаси 30%, максимуми эса - чегарасиз. Масалан – 1000%гача).*

**Дунёнинг учта асосий иқтисодий марказларида тариф эскалацияси даражаси, %**


| Маҳсулот турлари              | АҚШ  |      | ЕИ   |      | Япония |      |
|-------------------------------|------|------|------|------|--------|------|
|                               | 1989 | 1996 | 1989 | 1996 | 1989   | 1996 |
| Хомашё                        | 3,2  | 6,2  | 6,0  | 10,9 | 3,8    | 3,9  |
| Қ/х, ўрмон ва балиқ маҳсулоти | 3,8  | 8,3  | 8,5  | 11,9 | 5,1    | 5,0  |
| Минерал хом ашё               | 1,0  | 0,8  | 0,8  | 0,4  | 0,5    | 0,3  |
| Ярим фабрикат                 | 7,0  | 5,7  | 7,3  | 6,7  | 6,6    | 6,3  |
| Тайёр маҳсулот                | 6,3  | 6,4  | 7,8  | 10,8 | 7,8    | 7,6  |

Жадвалдаги кўрсаткичларни таққосланг ва уларга баҳо беринг.

**7) Дастурий таъминот:** 7.1. махсус дастурга киритилган тестни ечинг.

**7.2-Графиклар.** Қуйидаги графикда келтирилган вазиятни изоҳланг.

1–Расм. Кичик мамлакатда импорт тарифини киритишнинг эффекти.



Сд – миллий таклиф эгри чизиғи

Дд – миллий талаб эгри чизиғи

Сw – хорижий таклиф эгри чизиғи

Пw – хорижий ишлаб чиқарувчи нархи

П(w+t) – тарифни ҳисобга олган ҳолда хорижий ишлаб чиқарувчи нархи

Қ1 – импорт тарифи киритилгунга қадар миллий ишлаб чиқариш ҳажми

Қ2 – импорт тарифи киритилгунга қадар миллий талаб ҳажми

Қ3 – импорт тарифи киритилгандан кейинги миллий таклиф ҳажми

Қ4 – тариф киритилгандан кейинги миллий талаб ҳажми

(Қ1-Қ2) – бож ўрнатилгунга қадар импорт ҳажми

(Қ3-Қ4) – бож ўрнатилшгандан кейинги импорт ҳажми

1–фигура майдони – бож ўрнатилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувининг ютуғи;

2–фигура майдони – (Қ3 – Қ1) ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиқча харажатлари билан боғлиқ истъеъмолчиларнинг ортиқча соф йўқотишлари;

3–фигура майдони – давлат бюджетининг қўшимча даромади;

4–фигура майдони – Қ4 даражасигача истъеъмолни қисқариши билан боғлиқ истъеъмолчи ортиқчалигининг соф йўқотишлари.

## 4 – Мавзу. Халқаро ишчи кучи миграцияси

### 1) Таянч атамага шарх ёзинг.

1.1. Жаҳон ишчи кучи бозори: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.2. Меҳнат миграцияси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.3. Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.4. Вақтинчалик, доимий ва мавсумий миграция: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.5. Ассимиляцион ва ноассимиляцион миграция: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.6. Бевосита ва билвосита миграция: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.7. Интеллигенция оқими: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.8. Эмиграцион цикл: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

1.9. Қабул қилиш квотаси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

### 2) Тўғри жавобни танланг ва тагига чизинг.

2.1. Қайси асрга келиб ишчи кучи миграцияси ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг етакчи кўринишларидан бирига айланди: а) XX аср, б) XIX аср.

2.2. 1990 йиллардаги ишчи мигрант сони 1960 йилларга нисбатан неча бараварга ортган: а) 12 баравар, б) 10 баравар.

2.3. Жаҳон ишчи кучи бозоридаги муносабатлар қайси ташкилотнинг ҳужжатлари билан тартибга солинади: а) халқаро меҳнат ташкилотининг 1962, 1975, 1982 йиллардаги Конвенциялари, б) Ғарбий Европа миграция қўмитасининг ҳужжатлари.

2.4. Мигрантларнинг асосий қисмини ташкил қилади: а) ўртача малакага эга ишчилар, б) ишлаб чиқариш ва ишлоқ хўжалигида банд паст малакали ишчилар.

2.5. Миграциянинг асосий тўртта йўналишлари ичида жами миграция оқимининг ҳажми бўйича қайси йўналиш биринчи ўринда туради: а) ривожланган мамлакатлар ўртасидаги оқим, б) ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга бўлган оқим.

**3) Машиқлар.** Минтақа аҳолиси 3.5 млн кишини ташкил этади, ҳудуди эса 4,2 минг кв.км. Аҳоли зичлигини ҳисобланг.

**5) Топпириқлар.** Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ишчи кучининг алмашув индексини 1996 ва 2014 йиллар мисолида ҳисобланг. Бунинг учун мамлакатдаги 15–59

ёшдаги меҳнатга яроқли аҳолининг учдан бирига нисбатан 15 ёшгача бўлган аҳоли нисбати таққосланади.

| Кўрсаткичлар                | 1996    | 2000    | 2005    | 2010    | 2014    |
|-----------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Меҳнатга яроқли аҳоли       | 8,588.5 | 9,018.4 | 10,224  | 17157,6 | 20550   |
| 15 ёшгача бўлган аҳоли      | 2,572.2 | 2,920.6 | 3,328.7 | 5,445.6 | 6,789.2 |
| Ишчи кучини алмашув индекси |         |         |         |         |         |

##### 5) Мушоҳада қилиш учун вазият таҳлили.

Тадқиқот натижаларига кўра, охириги йилларда Россияга Ўзбекистондан 3.1 млн ишчи мигрант келади ва уларнинг ўртача мамлакатда қолиш муддати 4.7 ой. Бир вақннинг ўзида Россияда қарийиб 1.2 млн ўзбек мавжуд.. Мигрантларнинг 31,6% Москва шаҳри ва Москва вилоятига келишади. Мигрантларнинг аксарият қисми эркалар. (%). Аёллардан Россияга таълим олиш учун қизлар ҳамда турмушга чиққан аёлларпул ишлаб топиш учун келишади. Ўзбекистонлик мигрантларнинг 94,2% касбий маълумотга эга, 22% – олий маълумотга ёки илмий даражага эга, уларнинг 12% – техник муҳандис соҳалари мутахассислари, 10% — иқтисодий ва гуманитар соҳа вакиллари. Россияга Ўзбекистондан келаётган мигрантларнинг 17% юқори касбий малакага эга ишчилар бўлиб ҳисобланишади. Уларнинг 13% мутахассислиги бўйича ишга жойлашишга эришишади. Лекин, кўпчилиги мутахассислиги бўйича ишга жойлашаолмайдилар: 44% –ишчи қурилишда, 27% – маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида, 21% – умумий овқатланиш соҳасида. Россияга келаётган мигрантларнинг асосий мақсади бўлиб пул топиш ҳисобланади. Фақатгина 5,6% мигрантлар Россияда қолишни хоҳлашади. Иш ҳақини қисман ёки тўлиқ олмаслик муаммоси билан 67,4% мигрант дуч келган, улардан 81% меҳнат ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига эга бўлишган, 62,1% эса миллат белгиси бўйича камситишга дуч келган, 12,8% мигрант эса жиноятчиларнинг қурбонига айланишган.

Манба: интернет маълумоти. [www.mail.ru/novosti](http://www.mail.ru/novosti)

**Савол:** Ўзбекистон учун Россияга ишчи кучи миграциясининг ижобий ва салбий томонлари қандай ва уларни таққослаш асосида ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.

**6) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун масала.**(Р.Бендини. Ўзбекистан: селестед траде анд эсономй иссиес.2014. эУ Парлиамент.ДГ эХПО/Б/ПолДеп/Ноте/2013\_246 Септембер 2013 ПЕ 491.518).

Қуйида келтирилган Европа Иттифоқи парламентининг илмий ташқи сийсат бўлими маълумот асосида Ўзбекистондан Россияга ишчи кучи экспорт қилишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳоланг:

2012 йилда ўзбекистоннинг меҳнатга яроқли аҳолисини 7% чет элда ишчи мигрант бўлиб ишлаган. Ишчи мигрантларнинг асосий қисми Россия давлатида жамланган ва Россия марказий банкининг маълумотига кўра, 2012 йилда Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмаларининг миқдори 5,7 млрд АҚШ \$ тенг бўлган ёки мамлакат ЯИМни 16% (расмий курс бўйича 12%) ташкил этган. Россияда ўзбек ишчи мигрантларнинг ўртача миқдорини 3 млн киши деб ҳисоблаган ҳолда, ишчи кучи миграциясининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини таҳлил қилинг. Бунда асосий эътиборни қаратиш керак - пул ўтказмаларнинг таъсири:

1. Истеъмолга;
2. Жамғарма нормасига;
3. Инфляция суръатига;

**7) Дастурий таъминот: махсус дастурга киритлган тестларни ечинг.**

## 5 – Мавзу. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

### 1) Таянч атаманинг номини топинг:

- 1.1. Ишлаб чиқариш воситалари шаклида берилувчи хорижий инвестициялар: \_\_\_\_\_
- 1.2. Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш орқали киритилувчи инвестициялар: \_\_\_\_\_
- 1.3. Активлар таркиби кўп миллатли корхона: \_\_\_\_\_
- 1.4. Хорижий инвестицияларни кириб келишига яратиб берилган қулай имкониятлар жамланмаси: \_\_\_\_\_
- 1.5. Хорижий инвесторларни фаолиятига таъсир қилувчи салбий омиллар йиғиндиси: \_\_\_\_\_

### 2. Жавобни ўйланг ва чизикчага “тўғри” ёки “нотўғри” деб ёзинг:

- 2.1. Бевосита хорижий инвестициялар бир мамлакат резидентлари томонидан хорижий инвестицияларга эга бошқа давлат ҳудудида жойлашган мулкдан узоқ муддатли манфаатдорликни қўлга киритишни акс эттиради: \_\_\_\_\_
- 2.2. Узоқ муддатли манфаат эса хорижий инвестицияларга эга корхона билан хорижий инвестор ўртасида узоқ муддатли ўзаро алоқадорликни мавжудлигида ва инвесторни бошқарувга сезиларли даражадаги таъсири билан белгиланади: \_\_\_\_\_
- 2.3. БХИ капитал ресурслари ўз ичига қуйидагиларни оладилар: акциялар шаклидаги капитал, реинвестиция қилинадиган даромадлар, бошқа турдаги фирманинг узоқ муддатли битимлари: \_\_\_\_\_
- 2.4. БХИ номоддий активлари ноишлаб чиқариш ва номолиявий активларни, мулкга эгалик ҳуқуқи, савдо маркасида фойдаланиш ҳуқуқи, саноат дизайни, ишлаб чиқариш ҳуқуқи ва франшиза кабиларни ўз ичига олади: \_\_\_\_\_
- 2.5. Портфел инвестицияларни сарфлашнинг сабаби – фойда олиш ва активлар портфелини диверсификация қилиш асосида риск даражасини пасайтириш: \_\_\_\_\_

### 3). Тўғри жавобни ёзинг:

- 3.1. Қайноқ пуллар бу: \_\_\_\_\_
- 3.2. ТМКларнинг транснационаллик индекси боғлиқ бўлади: \_\_\_\_\_
- 3.3. Инвестицион оқимларнинг учинчи гуруҳига киради: \_\_\_\_\_
- 3.4. Реинвестиция: \_\_\_\_\_
- 3.5. БХИ меҳнатнинг чегаравий маҳсулотини камайтиради, капиталнинг чегаравий маҳсулотини эса кўпайтиради: \_\_\_\_\_
- 3.6. Горизонталинтеграциялашган ТМК: \_\_\_\_\_
- 3.7. Вертикал интеграциялашган ТМК: \_\_\_\_\_
- 3.8. Бўлинган ТМК: \_\_\_\_\_

**4). Машқлар:**Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида мамлакат иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг турган ўрнига баҳо беринг.

| Кўрсаткичлар                            | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 |
|-----------------------------------------|------|------|------|------|------|
| Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (млрд сўм) | 94   | 120  | 170  | 250  | 610  |
| Йиллик ўзгариш (%)                      | .... | 27   | 41   | 47   | 244  |
| ЯИМга нисбати (%)                       | 10   | 15   | 20   | 25   | 30   |
| Қўшма корхоналар экспорти               | 210  | 399  | 342  | 371  | 456  |
| Йиллик ўзгариш (%)                      | .... | 90   | -15  | 8    | 23   |
| Ялпи экспортга нисбати (%)              | 5    | 9    | 11   | 13   | 15   |
| Қўшма корхоналар импорти                | 290  | 350  | 370  | 420  | 470  |
| Йиллик ўзгариш (%)                      | ...  | 20   | 5    | 13   | 11   |
| Ялпи импортга нисбати (%)               | 35   | 39   | 31   | 33   | 26   |
| Экспортни импортга нисбати (%)          | 0,72 | 114  | 0,92 | 0,88 | 0,97 |
| Ишчилар сони (минг киши)                | 52   | 80   | 85   | 90   | 94   |

**7) Топшириқ. Япониянинг “Сонй” компаниясини 2014 йилдаги ҳисоботи асосида транснационаллик индексини ҳисобланг:**

$$И_T = 1/3 (A_{и}/A + P_{и}/P + C_{и}/C) \times 100 \%,$$

Бу ерда:

$I_T$  — транснационаллик индекси, %;

$A_{и}$  — хорижий активлар;

$A$  — ялпи активлар;

$P_{и}$  — хорижий филиаллардаги сотув ҳажми;

$P$  — ялпи сотув ҳажми;

$C_{и}$  — хорижий филиаллардаги ходимлар;

$C$  — жами ходимлар.

| Йиллар | $A_{и}$     | $A$         | $P_{и}$    | $P$        | $C_{и}$    | $C$        |
|--------|-------------|-------------|------------|------------|------------|------------|
| 2009   | 1.8 млрд \$ | 2.8 млрд \$ | 350 млн \$ | 750 млн \$ | 120 минг.х | 250 минг.х |
| 2014   | 1.6 млрд \$ | 2.9 млрд \$ | 300 млн \$ | 650 млн \$ | 110 минг.х | 240 минг.х |

**б) Мушоҳада қилиш учун саволлар.** Қуйида хорижий инвестицияларга боғлиқ ҳолда технология бериш эффектнинг учта тури кўрсатилган. Уларни изоҳланг:

-демонстрацион эффект: \_\_\_\_\_

-ишчи кучи кадрларининг қўнимсизлиги: \_\_\_\_\_

-миллий ва хорижий корхоналар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва ривожланиши: \_\_\_\_\_

**б) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун топшириқ.**

| Дунё миқёсида бевосита хорижий инвестицияларнинг 2013 ва танлаболинган йиллар кесимида кўрсаткичлари |                                                   |           |        |        |        |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|-----------|--------|--------|--------|
| Кўрсаткичлар                                                                                         | Жорий нархларда қиймат кўрсаткичлари (млрд АҚШ\$) |           |        |        |        |
|                                                                                                      | 1990                                              | 2005–2007 | 2011   | 2012   | 2013   |
| БХИ экспорти                                                                                         | 208                                               | 1 493     | 1 700  | 1 330  | 1 452  |
| БХИ импорти                                                                                          | 241                                               | 1 532     | 1 712  | 1 347  | 1 411  |
| Жамғарилган ички БХИ                                                                                 | 2 078                                             | 14 790    | 21 117 | 23 304 | 25 464 |

|                                                      |        |        |        |        |        |
|------------------------------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Жамғарилган ташқи БХИ                                | 2 088  | 15 884 | 21 913 | 23 916 | 26 313 |
| Жамғарилган ички БХИ даромади                        | 79     | 1 072  | 1 603  | 1 581  | 1 748  |
| Жамғарилган ички БХИ<br>фойдалилик даражаси          | 3.8    | 7.3    | 6.9    | 7.6    | 6.8    |
| Жамғарилган ташқи БХИ<br>даромади                    | 126    | 1 135  | 1 550  | 1 509  | 1 622  |
| Жамғарилган ташқи БХИ<br>фойдалилик даражаси         | 6.0    | 7.2    | 6.5    | 7.1    | 6.3    |
| Жами чегаралараро бирлашишлар<br>ва қўшиб олишлар    | 111    | 780    | 556    | 332    | 349    |
| Хорижий филиалларда сотув<br>ҳажми                   | 4 723  | 21 469 | 28 516 | 31 532 | 34 508 |
| Хорижий филиалларда қўшилган<br>қиймат ҳажми         | 881    | 4 878  | 6 262  | 7 089  | 7 492  |
| Хорижий филиалларнинг ялпи<br>активлари              | 3 893  | 42 179 | 83 754 | 89 568 | 96 625 |
| Хорижий филиалларнинг<br>экспорти                    | 1 498  | 5 012  | 7 463  | 7 532  | 7 721  |
| Хорижий филиалларда бандлик<br>(минг киши )          | 20 625 | 53 306 | 63 416 | 67 155 | 70 726 |
| <b>Меморандум:</b>                                   |        |        |        |        |        |
| ТМКлар ялпи ЯИМ                                      | 22 327 | 51 288 | 71 314 | 72 807 | 74 284 |
| Ялпи шакллантирилган капитал                         | 5 072  | 11 801 | 16 498 | 17 171 | 17 673 |
| Роялти ва лицензия тўловлари                         | 29     | 161    | 250    | 253    | 259    |
| Товарлар ва хизматлар экспорти                       | 4 107  | 15 034 | 22 386 | 22 593 | 23 160 |
| <b>Манба: Ворлд инвестмент репорт 2014. Табле 2.</b> |        |        |        |        |        |

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилинг ва йиллар кесимида динамик ўзгаришларни баҳоланг. Асосий тенденция ва ўзгаришларни аниқлаб, хулоса қилинг.

#### 7) Дастурий таъминот. 7.1. Махсус дастурга киритилган тестни ечинг.

**7.2. Моделлар.** Қуйида келтирилган эконометрик моделлар асосида хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи мамлакатда иқтисодий ўсишга таъсирини ошириш имкониятини баҳоланг.

$$Y = s(1 - r)[(1 - n)A^* + nB^*] \quad (1)$$

$$Y_F = Y_S + s(1 - r)(B^* - A^*)(n_F - n_S) \quad (2)$$

Формулада:

Й-иқтисодий ўсиш суръати (4,5%);

с- ялпи жамғарма (25%);

р- оралик маҳсулотнинг ЯИМга нисбати (40%);

(1-н) - ялпи инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар улуши (15%);

н – ялпи инвестициялар (100%);

A\* - миллий секторнинг инвестициялар қайтими (4,5);

B\* - хорижий секторнинг инвестициялар қайтими (7,5).

## **6 – Мавзу. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни**

### **1) Таянч атамага шарҳ ёзинг.**

1.1. Эркин иқтисодий ҳудудлар: \_\_\_\_\_

1.2. Махсус иқтисодий ҳудудлар: \_\_\_\_\_

1.3. Савдо ҳудудлари: \_\_\_\_\_

1.4. Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари: \_\_\_\_\_

1.5. Техникавий илмий ишлаб чиқариш: \_\_\_\_\_

1.6. Сервис хизмат кўрсатиш ҳудудлари: \_\_\_\_\_

1.7. Оффшор марказлари (солиқ гаванлари): \_\_\_\_\_

1.8. Евроҳудуд: \_\_\_\_\_

1.9. Комплекс ҳудуд: \_\_\_\_\_

### **2) Тўғри жавобни танланг ва тагига чизинг.**

2.1. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда қандай ёндашувлар мавжуд: а) нуқтавий ва ҳудудий, б) минтақавий ва халқаро.

2.2. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги имтиёзларнинг турлари: а) ташқи савдо, солиқ, молиявий ва маъмурий имтиёзлар, б) ташқи савдо, солиқ, кредит ва суд имтиёзлари.

2.3. Ўзбекистонда “Эркин иқтисодий ҳудудлари” тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган: а) 1997 йил 22 май. б) 1996 йил 25 апрель.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қачон чиққан: а) 02.12.2008 й. Н ПФ-4059, б) 12.12.2009 й. Н ПФ-4059.

2.5. Навоий эркин иқтисодий ҳудудида киритилаётган хорижий инвестиция ҳажми қанча бўлганда 7 йилгача солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилинади: а) 5 млн евродан 10 млн еврогача, б) 3 млн дан 10 млн еврогача.

2.6. Навоий эркин иқтисодий ҳудудида киритилаётган хорижий инвестиция ҳажми қанча бўлганда 10 йилгача солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилинади: а) 10 млн евродан 30 млн еврогача, б) 15 млн дан 30 млн еврогача.

2.7. Навоий эркин иқтисодий ҳудудида киритилаётган хорижий инвестиция ҳажми қанча бўлганда 15 йилгача солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилинади: а) 30 млн евродан ортиқ бўлганда, б) 25 млн евродан ортиқ бўлганда.

**3) Машқлар.** 2006 – 2010 йилларда Россия давлатининг Москва вилоятида “Дубна” ЭИХ яратиш учун жами бўлиб жорий нархларда 35 763,6 млн рубль сарфланган. Шундан 26, 257,1 млн рубль бевосита ЭИХ қуриш учун, 9 506,6 млн рубль эса 2006–2008 йиллардаги жорий эксплуатация харажатлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу ЭИХни иқтисодий самарадорлик имкониятларини баҳоланг.

**4) Топшириқлар.** Қуйида хорижий инвестициялар ёрдамида Канаданинг Квебек вилоятидаги эркин иқтисодий ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни баҳолаш методологияси келтирилган. Кўрсаткичлар йиғиндиси ва уларнинг мос келиш ёки келмаслик ҳолатига кўра баҳо беринг.

| №                                                                                      | Кўрсаткичлар                                                                                                      | 2005 й.                 |
|----------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------|
| <b>1. Минтақавий ривожланиш дастурларини олдинга силжитиш кўрсаткичлари:</b>           |                                                                                                                   |                         |
| 1.1.                                                                                   | Жами амалга оширилган лойиҳалар сони                                                                              | 2 099                   |
| 1.2.                                                                                   | Молиявий ёрдамдан бошланғич самара, (яъни молиявий ёрдамсиз лойиҳасини амалга ошираолмайдиган субъектлар сони,% ) | 3.8 млрд \$<br>(73,9 %) |
| 1.3.                                                                                   | Корхоналарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичи (сотув ҳажмини ортиши)                                                 | 51%                     |
| 1.4.                                                                                   | Ўртача сотув ҳажмини ортиши                                                                                       | 657 000                 |
| <b>2. Маҳаллий жамиятларнинг яшовчанлик индикаторлари</b>                              |                                                                                                                   |                         |
| 2.1.                                                                                   | Ривожланиш бўйича лойиҳаларнинг умумий сони                                                                       | 3,2 млрд \$             |
| 2.2.                                                                                   | Агентликларнинг жойлардаги ташаббуслари. Агентлик томонидан молиялаштирилган корхоналар кўрсатган хизматлар.      | 395                     |
| 2.3.                                                                                   | 2004–2005 йилларда лойиҳаларни молиялаштириш бўйича агентликнинг жорий молиявий мажбуриятлари                     | 952,8                   |
| 2.4.                                                                                   | 2004–2005 йиллардаги реал харажатлар                                                                              | 286,3                   |
| 2.5.                                                                                   | Олдинга даврда кечиктирилган лойиҳаларни қўшиб ҳисоблаганда жами қилинган харажатлар                              | 606,3                   |
| <b>3. Билимларга асосланган иқтисодиёт (Инновациялар)</b>                              |                                                                                                                   |                         |
| 3.1.                                                                                   | Жорий лойиҳалар сони                                                                                              | 916                     |
| 3.2.                                                                                   | Корхоналарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари:                                                                    |                         |
|                                                                                        | Сотув ҳажми ортганлиги ҳақида хабар берган респондентлар сони (%)                                                 | 50,1%                   |
| 3.3.                                                                                   | Кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан лойиҳалар натижасида юз берган ўзгаришлар:                               |                         |
| 3.3.1.                                                                                 | Ишлаб чиқариш харажатларини камайиши                                                                              | 26,5%                   |
| 3.3.2.                                                                                 | Бизнес жараёнларини оптималлашуви                                                                                 | 26,5%                   |
| 3.3.3.                                                                                 | Янги хизматлар ва маҳсулотларни тижоратлашуви                                                                     | 24,8%                   |
| 3.3.4.                                                                                 | Меҳнат унумдорлигин ўсиши                                                                                         | 8,7%                    |
| 3.3.5.                                                                                 | Патент олиш                                                                                                       | 2,2%                    |
| 3.3.6.                                                                                 | Бошқа натижалар                                                                                                   | 11,3%                   |
|                                                                                        | Ушбу натижаларга эриши учун жами қилинган харажатлар                                                              | 175,6 млн \$            |
| <b>4. Таркибий муаммоларни бошидан кечираётган минтақа иқтисодиётини ривожлантириш</b> |                                                                                                                   |                         |
| 4.1.                                                                                   | Жорий лойиҳалар сони                                                                                              | 690                     |

|        |                                                                                              |              |
|--------|----------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| 4.2.   | Таркибий муаммоларни бошидан кечираётган минтақани қўллаб қувватлаш кўрсаткичлари            |              |
| 4.2.1. | Жорий лойиҳаларнинг умумий қиймати                                                           | 486,7 млн \$ |
| 4.3.   | Тадбиркорликни ривожлантиришга нисбатан самара эффекти:                                      |              |
| 4.3.1. | Бизнесни рўйхатдан ўтказиш, ишни бошлаш ёки кенгайтириш босқичидаги корхоналар сони          | 1 287        |
| 4.4.   | Бандлик кўрсаткичи:                                                                          |              |
| 4.4.1. | Яратилган, сақлаб қолинган ва қайта тайёрлашдан ўтказилган ишчи ўринлари сони                | 3 592        |
| 4.5.   | Маҳаллий жамиятларнинг ташаббус салоҳияти:                                                   |              |
| 4.5.1. | Агентлик томонидан молиялаштирилган корхоналар томонидан жойларда кўрсатилган хизматлар сони | 168          |
| 4.6.   | Ушбу натижаларга эришиш учун қилинган харажатлар:                                            |              |
| 4.6.1. | Жами қилинган харажатлар                                                                     | 124,5 млн \$ |

**5) Мушоҳада қилиш учун саволлар.** Қуйида Туркия ва Венгрия давлатларидаги Эркин иқтисодий ҳудудларни (ЭИХ) ташкил этишда бошқа давлатларга нисбатан мавжуд бўлган афзалликлар келтирилган. Уларни ўқиб чиқинг ва таққосланг. Қайси мамлакатда ЭИХларга кўпроқ имтиёз берилган ва иқтисодий самара келтираётганини аниқланг:

**(Туркия):** мамлакатдаги 21 амал қилаётган ЭИХда 3401 та фирма фаолият кўрсатади. Улардан 652 таси чет эл корхонаси. Уларнинг экспорт ва импорт опеарциялар ҳажми 2002 йилда 16 608,066 млн долл бўлиб, мамлакат ташқи савдо айланмасининг 16% тенг бўлган. 6 та ЭИХда савдо айланмаси 1 млрд долл. ортиқ бўлган (Истанбул Леатҳер – 4 076,782 млн долл., Истанбул-Аҳл – 3 022,789 млн долл., Мерсин – 2 766,312 млн долл., Агеан – 2 642,599 млн долл., Бурса – 1 108,767 млн долл., Истанбул-Тракия – 1 145,646 млн долл.).

1. ЭИХ анклав ҳудуд бўлиб ҳисобланади, яъни улар солиқлардан бутунлай озод қилинган, жумладан даромад ва корпоратив солиқлардан ҳам.
2. ЭИХ фаолият юргизадиган тадбиркорлар ҳар қандай йиғимлар ва божлардан озид қилинган (порт ва герб йиғимларидан ҳам).
3. Туркияда бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ЭИХ ишлаб чиқарилган товарларни ички бозорда ҳам сотишга рухсат берилган. Уларга нисбатан оддий ташқи савдо бошқаруви қўлланилади.
4. ЭИХда тўлов воситаси сифатида исталган эркин алмашинадиган валюта ишлатилиши мумкин.
5. Инвесторлар ўзларининг фойдасини ҳеч қандай чекловсиз олиб чиқиб кетишлари мумкин.
6. Туркияда яшаш ҳуқуқига эга чет эл фуқаролари ЭИХда 100% чет эл капитали билан корхонани тўлиқ эгаси бўлиши мумкин.
7. ЭИХ чет эллик мутахассислар ва бошқарув персоналини ишга ёллашга рухсат берилган.
8. Қонунга кўра, корхона иш бошлагандан кейин 10 йил мобайнида ишчилар иш ташлашлари ёки бошқа турдаги норозилик билдиришлари таъқиқланади.
9. ЭИХда инфраструктура сифати халқаро даражага мос келади.
10. Ерни ижара ҳақи маъқул келадиган даражада, яъни паст ҳам эмас баланд ҳам эмас.
11. Ишчи кучини қиймати ривожланган давлатлардаги ишчи кучини қийматини атига 10% ташкил қилади холос.
12. Капитални инвестиция қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги барча бюрократик тўсиқлар миниммум даражага келтирилган.
13. Маҳсулот ва хизматларнинг сифатини белгилаб берувчи ва Туркиянинг бошқа ҳудудларида амал қилувчи қонуний ҳужжатларда юелгиланган нормалар ЭИХда амал қилмайди.

**(Венгрия):** бу давлатда саноат парклари муваффақият билан ишлайди. Асосий ЭИХ саноат парклари бўлиб ҳисобланди ва уларнинг сони бугунги кунда 112тани ташкил этади, улардан 95та ҳақиқатда ишлайди 110 минг одам иш билан таъминланган, ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 млрд АҚШ доллар. Маҳсулотнинг 80% экспорт қилинади. Жалб қилинган капитал ҳажми 1,5 млрд АҚШ доллар, меҳнат унумдорлиги мамлакат кўрсаткичидан 2 баравар юқори.

1. Маҳаллий солиқлардан 10 йил муддатга озод қилиш;
2. Ишлаб чиқариш дастгоҳларини олиб киришда 50–100% оралиғида импорт божидан озод қилиш;
3. Жамият солиғидан озод қилиш,агарда олинган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бандликни оширишга сарфланса;
4. Коммунал хизматларга тўловларни камайтириш ёки уларни тўлашни кечиктиришга рухсат бериш.

**7) Статистик маълумотлар билан ишлаш учун масала.**Қуйидаги жадвалда Канаданинг “Кемп Брайтон” оролини ривожлантириш ЭИХда амалга оширилган фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилинг.(млн АҚШ \$).

**1–жадвал**

| <b>Кўрсаткичлар</b>                                | <b>2001</b> | <b>2002</b> | <b>2003</b> | <b>2004</b> | <b>2005</b> | <b>жами</b> |
|----------------------------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <b>Бизнесни қўллаб қувватлаш:</b>                  |             |             |             |             |             |             |
| Яратилган ишчи ўринлари                            | 4,13        | 68          | 124         | 404         | 65          | 1,074       |
| Фойдаланилган кредитлар                            | 43,1        | 2,9         | 5,7         | 3,3         | 14,9        | 69,9        |
| Янги экспорт ҳажми                                 | 55,7        | 2,9         | 81,1        | 0,5         | 20,4        | 160,6       |
| <b>Маҳаллий жамиятларни қўллаб қувватлаш учун:</b> |             |             |             |             |             |             |
| Фойдаланилган инвестициялар суммаси                | 0.9         | 5.0         | 6.9         | 1.7         | 4.1         | 18.6        |
| <b>Инвестициялар:</b>                              |             |             |             |             |             |             |
| Орол иқтисодиётига янги инвестициялар              | 42.2        | –           | 3,5         | 16,0        | 14,1        | 75,8        |
| <b>Тадқиқотлар ва сиёсатни ишлаб чиқиш:</b>        |             |             |             |             |             |             |
| Амалга оширилган илмий тадқиқот лойиҳалари         | 8           | 8           | 9           | 7           | 3           | 35          |
| <b>Олдинга суриш:</b>                              |             |             |             |             |             |             |
| Фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги (охирги 2 йил) | –           | –           | –           | 0,15        | 0,10        | 0,25        |

Манба:С.В. Приходько, Н.П. Воловик. Особые экономические зоны. Москва. ИЭЭП.2007.20 таблица. страница 126.

Умумий ҳисобда, орол иқтисодиётига киритилган 182 млн доллар миқдоридаги молиявий ёрдам 1999–2004 фискал йиллар оралиғида қуйидаги натижаларга эришиш имконини берган:

1. Жами бўлиб 9384 ишчи ўринлари яратилган;
2. Ишчиларнинг даромади 667 млн долл.ташкил этган (133 млн долл. бир йилда);
3. Федерал бюджетга солиқ ажратмалари 95 млн долл., вилоят бюджетига – 84 млн долл. ва маҳаллий бюджетга – 11 млндолл.;
4. Лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланган ҳар бир лойиҳа 5 доллар миқдорида уй ҳўжаликларига қўшимча даромад келтирган.

Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида орол иқтисодиётида диверсификация юз берди, “Ривожланиш нуқталари” пайдо бўлди. 1993 йилдан бошлаб орол иқтисодиётида бандликни ортиши, 1996 йилдан бошлабёса даромадни ўсиши бошланган. Автомобилсозлик ва фармацевтика тармоқларида юқори ҳақ тўланувчи ишчи ўринлари пайдо бўлган. Буни қуйидаги жадваллар маълумотларида кўриш мумкин.

**2–жадвал**

| Фискал йил | Ишчи ўринлари сони (дона) | Даромад миқдори (млн \$) |
|------------|---------------------------|--------------------------|
| 1999/2000  | 3 083                     | 94 812 000               |
| 2000/2001  | 2 667                     | 74 616 000               |
| 2001/2002  | 4 073                     | 100 294 000              |
| 2002/2003  | 5 496                     | 146 826 000              |
| 2003/2004  | 9 384                     | 250 601 000              |

Манба: ўша ернинг ўзида. 21 ва 22 жадваллар..

**Савол:** ишчи ўринлари ва даромад миқдори, солиқ ажратмалари кўрсаткичлари асосида орол иқтисодиётига инвестицияларнинг ижобий таъсирини қандай изоҳлаш мумкин ?.

**7) Дастурий таъминот:** махсус дастурга киритилган тестларни ечинг.

## 7–Мавзу. Халқаро валюта муносабатлари тушунчаси ва аҳамияти (Валюта – молия муносабатлари бўйича).

### 1) Таянч атамага шарҳ ёзинг:

- 1.1. Валюта курсини бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берувчи курс: \_\_\_\_\_
- 1.2. Монетар ҳокимият вакилларида маълум бир вақт оралиғига миллий валютанинг курсини белгилаб қўйиш: \_\_\_\_\_
- 1.3. Иқтисодий сиёсат нуқтаи-назаридан антиинфляцион чора бўлиб ҳисобланувчи курс: \_\_\_\_\_
- 1.4. Ягона валюта тизимининг макроиқтисодий афзаллиги: \_\_\_\_\_
- 1.5. Тараққий этган давлатларда қайси йилдан эркин сузиб юрувчи валюта курс ўрнатила бошланди: \_\_\_\_\_

### 2) Тўғри жавобни танланг ва тагига чизинг:

- 2.1. Қайси валюта курси режимида валюталарнинг тебраниш тезлиги ортиб кетганда мамлакатларнинг ҳам экспорт ҳам импорт операциялари қисқаради: а) эркин сузиб юрувчи; б) фиксация қилинган;
- 2.2. Валюта курсининг ноаниқлиги нимани келтириб чиқаради: а) талабни қисқариши; б) валюта рискин;
- 2.3. Очиқ иқтисодиёт шароитида реал фоиз устамаларини қандай ўзгариши мамлакатга қисқа муддатли капитални кириб келишини рағбатлантиради: а) пасайиши; б) ортиши;
- 2.4. Қайси сабабга кўра мамлакатларда валюта курсини ўзгариши бир текис юз бермайди: а) инфляция суръатидаги фарқ; б) тўлов балансини ҳолатидаги фарқ.
- 2.5. Курсни пасайиши нархларни ўсиши билан бир вақтда юз берса: а) экспортнинг валюта самарадорлигини оширади; б) импортнинг рақобатбардошлигини оширади.

### 3) Машқлар.

- 3.1. Спот валюта операцияси бўйича битим тузилди. Валюталашув кунини топинг.

| Битим имзолаш муддати |          | Валюталашув муддати |  |
|-----------------------|----------|---------------------|--|
| Душанба               | 7 апрель |                     |  |

- 3.2. Кросс курс. Агарда, Ўзбекистонда сўмнинг бир АҚШ долларига нисбатан курси 2700 сўмни ташкил этса, Қозоғистонда эса тенгани бир АҚШ долларига нисбатан курси 290 тенгани ташкил этса, кросс курс нечага тенг бўлади? \_\_\_\_\_
- 3.3. Форвард валюта операциясида томонлар уч ойдан кейин савдо амалга оширишга келишиб олдилар. Сотув ҳажми 100 минг АҚШ доллари. Курс: 1 АҚШ доллари тенг 2500 сўм. Сотув муддати келганда курс 3100 тенг бўлди. Сотилган 100 минг АҚШ долларининг сўмдаги нархини топинг. \_\_\_\_\_
- 3.4. Своп битими деб бир вақтнинг ўзида ҳам спот ҳам тескари форвард битимини имзолашга айтилади ва валюта курси, валюталашув муддати ва тўлов усули битим имзоланадиган вақтда белгиланади. Ҳамкорбанк 10 минг АҚШ долларини сотиш учун МАСК қўшма корхонаси билан 10 май куни шартнома имзолади. Валюта курси – 1 АҚШ доллари тенг 2500 ўзбек сўм. Спот курс тенг УСД/УЗБ 2500. Своп ставка 0,100. Форвард курс 2600. Операция қийматини ҳисобланг.
- 3.5. Валюта опцион битимига кура, харидор 2 кундан кейин 10 минг долларни 2550 сумдан сотиб олишга рози булди. Лекин сотувчи пулни атилган нархда етказиб бера олмаслиги маълум булди. Харидорга европа опциони макулми ёки америка опциони ?

#### 4) **Топшириқлар.**

- 3.1. Биринчи дунё валюта тизимининг шаклланган йили, номини аниқланг ва унинг унсурларини кўрсатинг.
- 3.2. Иккинчи дунё валюта тизимининг шаклланган йили, номини аниқланг ва унинг унсурларини кўрсатинг.
- 3.3. Учинчи дунё валюта тизимининг шаклланган йили, номини аниқланг ва унинг унсурларини кўрсатинг.
- 3.4. Тўртинчи дунё валюта тизимининг шаклланган йили, номини аниқланг ва унинг унсурларини кўрсатинг.
- 3.5. Махсус қарз олиш ҳукуки ва Либор устамаси нималигини тушунтиринг.

#### 5) **Мушоҳада қилиш учун саволлар.**

- 5.1. Нима учун валюталарнинг номинал курси (3–12 йил) кўрсатилган вақт мобайнида ўзининг паритет даражасига қайтади ?
- 5.2. Нима учун ривожланаётган давлатларнинг валюта курси ўзининг реал валюта курсига нисбатан ва ЯИМнинг хорижий валютадаги ифодаси сунъий равишда оширилган деб ҳисобланади ?
- 5.3. Валюталарнинг нархини белгилаб беришда макроиктисодий ёндашувга кўра, ички барқарорликни паст инфляция шароитида ишлаб чиқаришнинг оптимал ёки максимал даражасидан қайси бири сифатида тушуниш тўғри ?
- 5.4. Валюталарнинг нархини белгилаб беришда макроиктисодий ёндашувга кўра, ташқи мувозанат бўлиши учун товарлар ва хизматлар бўйича халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳамда миллий жамғарма ва инвестицияларнинг баланслашган даражасини ички барқарорлик ҳолати таъминланган бўлиши шартми?

#### 6) **Статистик маълумотлар билан ишлаш учун масалалар.**

6.1. Агарда АҚШда олтин стандартига кўра олтиннинг доллардаги нархи 1 троя унция учун 22,7 доллар деб, Англияда эса 7, 25 ф/сбелгилаб қўйилган бўлса, иккала мамлакат валюталарининг паритетини тенг: \_\_\_\_\_.

6.2. Харид қуввати паритети назариясига кўра, ўзбек сўми ва АҚШ долларининг валюта паритетини ҳисоблаб топинг.

| № | Товарлар турлари      | Ўзбекистондаги товарлар нархи | АҚШдаги товарлар нархи |
|---|-----------------------|-------------------------------|------------------------|
| 1 | Совун (1 дона)        | 1500 сўм                      | 0,45                   |
| 2 | Гуруч (1 кг)          | 10000 сўм                     | 0,30                   |
| 3 | Оёқ кийим (1 жуфт)    | 95000                         | 60,0                   |
| 4 | Кийим (кўйлак 1 дона) | 50000                         | 45,0                   |
| 5 | Пайпоқ (1 жуфт)       | 2500                          | 2,00                   |
| 6 | Гўшт (1 кг)           | 25000                         | 5,00                   |
| 7 | Нон (1 дона)          | 1200                          | 1,00                   |
| 8 | Тухум (1 дона)        | 450                           | 0,10                   |
| 9 | Ёғ (1 литр)           | 10000                         | 5,00                   |
|   |                       | .                             |                        |

Ўзбек “Сўм”ининг АҚШ долларига нисбатан харид қуввати тенг: \_\_\_\_\_

#### 7) **Дастурий таъминот. 7.1. Махсус дастурга киритилган тестларни ечинг.**

**(Кредит муносабатлари бўйича).**

**1) Таянч атамага шарх ёзинг:**

1.1. Халқаро кредит: \_\_\_\_\_

1.2. Тижорат кредити: \_\_\_\_\_

1.3. Молиявий кредит: \_\_\_\_\_

1.4. Оралиқ кредит: \_\_\_\_\_

1.5. Товар кредити: \_\_\_\_\_

1.6. Валюта кредити: \_\_\_\_\_

**2) Тўғри жавобни танланг ва тагига чизинг:**

2.1. *Ўта қисқа муддатли кредитлар:* а) 3 ойгача, ҳафталик ва кунлик; б) 1 ойгача, ҳафталик ва кунлик.

2.2. *Қисқа муддатли кредитлар:* а) 3 йилгача (баъзан 5 йилгача), б) 1 йилгача, (баъзан 18 ойгача).

2.3. *Ўрта муддатли кредитлар:* а) 1 йилдан 5 йилгача; б) 1,5 йилдан 5 йилгача.

2.4. *Узоқ муддатли кредитлар:* а) 5 йилдан ортиқ; б) 8 йилдан ортиқ.

2.5. *Таъминланган кредитга гаров сифатида қўйилади:* а) юк ҳужжатлари ва кўчмас мулк; б) товар моддий захира ва олтин.

**3. Машқлар.**

**3.1.** Корхона 2013 йили банкдан 3 йил муддатга 15 млн АҚШ доллар кредит олди. Йиллик фоиз устамаси 20%. Валюта курси: 1 АҚШ доллари – 2300 сўм. Кейинги икки йил мобайнида валюта курси 2900 сўмгача ошди. Корхонанинг миллий валютадаги соф йўқотишларини ҳисобланг. Корхонада инвестициялар рентабеллиги 15% тушиб қолса, корхона қандай қилиб қарзни узиши мумкин ?

**3.2.** Корхонада банкдан хорижий валютада керидт олиш учун 2та вариант бор. Биринчи вариант: банк кредитни 5 йил муддатга беради, фоиз устамаси 20 %. Икинчи вариант: банк кредитни 3 йил муддатга беради, фоиз устамаси 12 %. Корхонага устамаси пастроқ, лекин муддати узоқроқ бўлган кредит керак. Муаммога қандай ечим топиш мумкин ?

**3.3.** Хорижий лойиҳа учун капиталнинг ўртача ҳисобланган қийматини қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топинг:

$$K_0 = (1 - L)K_e + L \times K_d(1 - T)$$

Бу ерда:

$K_0$ – корхона учун лойиҳа капитали;

$K_e$ – корхона учун зарур капитал (30 млн);

$K_d(1 - T)$  – солиқ тўлангандан кейин қолган капитал қиймати. (85%), (75+25).

Л - корхонанинг қарз коэффициенти (қарз/ялпи активлар) (25%);  
Т – инвесторнинг солиққа тортиш учун максимал солиқ устамаси (20%).

#### 4) Топшириқлар.

4.1. Жаҳон банки ўзининг юқори репутациясига таянган ҳолда ўзининг қимматли қоғозларини дунё молия бозорида жойлаштиради ва ўртача 7% йиллик дивидент тўлаган ҳолда ўзи 7,5%-8,5% устама олади. Агарда Ўзбекистон жаҳон банкидан 8,5 % устама билан қарз олса, уни тўлай олиш қобилиятини қандай баҳолаш мумкин ? (йиллик инфляция суръати 7,5%, лойихани рентабеллик даражаси 12 %).

4.2. Капитал бозори назариясига кўра, корхона учун лойихага зарур инвестицион маблағни керакли даромад даражасини ҳисобланг.

$$R_i = R_f + \beta_i(R_m - R_f)$$

Капитал активларга нархни шаклланиш нисбати билан ҳисобланиши керак. Бу ерда:

$R_n =$

$R_\phi =$

$R_m =$

$B_n =$

4.3. Қуйида берилган формула асосида корхона акциясининг қийматини ҳисобланг.

$$P_0 = DIV1 / (K_e - g)$$

Бу ерда:

$P_0 =$

$DIV1 =$

$K_e =$

$g =$

Кейин, корхона акционерлик капиталини қийматини ҳисобланг:

$$K_e = \left( \frac{DIV1}{P_0} \right) + g$$

#### 5). Мушоҳада қилиш учун саволлар.

5.1. Саноати ривожланган давлатларнинг инвесторлари ва қарздорлари ўзларининг активлари ва пасивларини валюталар комбинацияси ва тўлов муддатлари асосида бошқаришлари молиявий инновациялар деб тушуниш тўғрими ?

5.2. Евробозорлар корхоналарга молиялаштириш маблағларига бўлган эҳтиёжни ички капитал бозорига мурожат қилмасдан қондириш имконини беради. Бу миллий хўжаликлар учун фойда келтирадими ?

5.3. Инсонийлик фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, ривожланаётган давлатларга энг кўп ташқи иқтисодий ёрдамни Швеция, Норвегия ва Дания каби Скандинавия давлатлар кўрсатишади. Қолган давлатлар эса озроқ миқдорда ёрдам беришади. Ушбу ёрдамни кўпайтириш мумкинми ?

5.4. Нима учун таққослаш усули сифатида ривожланган давлатларнинг қолоқ давлатларга ташқи иқтисодий ёрдам кўрсаткичи ёрдам суммасини ялпи ички маҳсулот суммасига бўлиш усули билан аниқланади ?

5.5. Хўжалик юритишнинг байналминаллашуви ва миллий бошқарув шаклларининг чекланганлиги халқаро кредит муносабатларини бошқариш заруратини келтириб чиқарган деган фикр тўғрими ?

6) **Статистик маълумотлар билан ишлаш учун топширик.** Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон давлатнинг ташқи қарздорлик маълумотлари келтирилган. Уларни кўриб чиқинг ва йиллар кесимида қиёсий таққослаш асосида баҳо беринг. Таҳлилда ташқи қарз кўрсаткичларга эътибор қаратинг. Қарз кўрсаткичи билан бошқа макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни топинг.

1–жадвал

| <b>Кўрсаткичлар</b>                                                | <b>2000</b> | <b>2005</b> | <b>2010</b> | <b>2012</b> |
|--------------------------------------------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <b>Ялпи ташқи қарз йиғиндиси</b>                                   | 4.980       | 4.656       | 7.782       | 8.853       |
| Узоқ муддатли                                                      | 4.228       | 4.168       | 7.140       | 8.112       |
| Қисқа муддатли                                                     | 282         | 112         | 238         | 337         |
| Узоқ муддатли фоиз тўловлари                                       | 3           | 8           | 70          | 0           |
| ХВФ кредитларидан фойдаланиш                                       | 469         | 376         | 405         | 404         |
| <b>Тўланмаган қарз ва харажатлар</b>                               | 4.228       | 4.168       | 7.140       | 8.112       |
| Давлат кафолати билан                                              | 3.762       | 3.626       | 3.410       | 3.987       |
| Расмий кредиторлар                                                 | 2.117       | 2.451       | 3.184       | 3.824       |
| Хусусий кредиторлар                                                | 1.645       | 1.175       | 226         | 163         |
| Хусусий кафолатсиз                                                 | 467         | 542         | 3.730       | 4.125       |
| <b>Харажатлар (тўловлар)</b>                                       | 707         | 404         | 1.188       | 1.052       |
| Давлатники                                                         | 713         | 262         | 452         | 610         |
| Расмий кредитларга                                                 | 409         | 200         | 437         | 600         |
| Хусусий кредиторларга                                              | 204         | 62          | 15          | 10          |
| Хусусий кафолатсиз                                                 | 57          | 142         | 736         | 441         |
| <b>Ўрнини қоплаб бериш</b>                                         | 584         | 620         | 493         | 517         |
| Давлатники                                                         | 443         | 510         | 370         | 294         |
| Расмий кредитларга                                                 | 148         | 177         | 256         | 218         |
| Хусусий кредиторларга                                              | 295         | 333         | 114         | 76          |
| Хусусий кафолатсиз                                                 | 141         | 110         | 123         | 224         |
| <b>Фоиз тўловлари</b>                                              | 206         | 140         | 118         | 172         |
| Давлатники                                                         | 182         | 117         | 63          | 75          |
| Расмий кредитларга                                                 | 75          | 63          | 59          | 66          |
| Хусусий кредиторларга                                              | 108         | 53          | 4           | 9           |
| Хусусий кафолатсиз                                                 | 24          | 23          | 55          | 97          |
| <b>Қарз ресурслари кириб келиш оқими</b>                           |             |             |             |             |
| Соф қарз оқими                                                     | -223        | - 301       | 719         | 575         |
| Расмий кредиторлар (ИМФ +)                                         | 195         | 5           | 181         | 382         |
| Хусусий кредиторлар                                                | -419        | -305        | 538         | 191         |
| Узоқ муддатли                                                      | -75         | -239        | 514         | 152         |
| Давлат кафолати билан                                              | 9           | -271        | -99         | -66         |
| Хусусий давлат кафолатсиз                                          | -84         | 32          | 613         | 218         |
| <b>Ташқи инвестициялар оқимлари</b>                                |             |             |             |             |
| БХИ                                                                | 75          | 192         | 1.628       | 1.094       |
| Портфель инвестициялар                                             | ....        | ...         | ...         | ....        |
| <b>Валюта таркиби</b>                                              |             |             |             |             |
| Евро                                                               | ....        | 17.9        | 9.5         | 7.9         |
| Доллар                                                             | 56.7        | 52.8        | 54.2        | 60.5        |
| Ташқи қарзни ЯМДга нисбати (%)                                     | 36.8        | 32.6        | 19.2        | 16.6        |
| ЯМД (млрд АҚШ \$)                                                  | 13.541      | 14.283      | 40.492      | 53.362      |
| Қисқа муддатли ташқи қарз йиғиндиси                                | 5.7         | 2.4         | 3.1         | 3.8         |
| Кўп томонлама ташқи қарз йиғиндиси                                 | 9.1         | 17.1        | 15.6        | 19.3        |
| <b>Манба: эхтернал дефт статистисс 2014. 162 паге. Ворлд Банк.</b> |             |             |             |             |

Гуруҳда талабалар кичик гуруҳчаларга бўлинган ҳолда (ҳар бир гуруҳда 3-5 та талаба) 1-диаграммада тасвирланган жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан ўзгариши муҳокама этинг ва ўз фикрларингизни билдиринг.

1-диаграмма



2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90% ниташкил қилган. Букўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ниташкил этган. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган оқилона қарз сиёсати натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2008 йилда 13,3%ни ташкил қилди.

**8 – Мавзу. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти.  
(АҚШ иқтисодиёти бўйича).**

**1) Таянч атамага шарҳ ёзинг:**

1. Барқарор иқтисодиёт: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
2. Иқтисодиётнинг тикланиш фазаси: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
3. Кичик тебранишга эга бўлган инфляция: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
4. Давлат қарзи: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
5. Илм талаб товарлар: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
6. Маршалл дастури: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
7. АҚШда “Ҳалол йўл” дастури: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
8. АҚШда “Янги марралар” дастури: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
9. АҚШда “Буюк жамият” дастури: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
10. АҚШда “Рейганомика” дастури: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_


**2) Тўғри жавобни танланг ва тагига чизинг:**

- 2.1. АҚШнинг 2014 йилдаги ЯИМси: а) 16 трлн АҚШ \$, б) 17 трлн АҚШ \$.
- 2.2. Энергетика кризиси қайси йиллари юз берган: а) 1973–1975, б) 1976–1980.
- 2.3. АҚШ иқтисодиётининг етакчи тармоқлари: а) машинасозлик, кимё, электроника, нефт–газ, асбобсозлик, кemasозлик, авиатранспорт, б) пахтачилик, чорвачилик, машинасозлик, кимё, нефт–газ, электроника.
- 2.4. Узоқ муддатли муаммоларга эътиборни қаратилиши, монетар сиёсатдан фарқли ўлароқ, фискал сиёсат усулларида кўпроқ фойдаланиш қайси АҚШ президенти сиёсатига тегишли бўлган: а) Р.Рейган, б) Б.Клинтон.
